



# FAN, TA'LIM VA AMALIYOT INTEGRATSIYASI

ISSN: 2181-1776

Шароф Рашидов номидаги<sup>1</sup>, Ўқитувчиси Жумъазода Малика<sup>2</sup>

<sup>1,2</sup>Самарқанд давлат университети, Мактабгача ва бошланғич таълим факультети, Факультетларaro педагогика кафедраси

БУЮК МУТАФАККИРЛАР ҚАРАШЛАРИДА ИЖТИМОЙ  
ФАОЛЛИКНИ ТАРБИЯЛАШНИНГ ПЕДАГОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ

**Аннотация:** Мақолада ўтмишда педагогик фаолият, фаоллик кишининг жамият ҳаётида тутган ўрни, эгаллаб турган ижтимоий нуфузи, жамият моддий ва маънавий соҳаларига таъсири каби масалалар тўғрисида фикр юритилган. Аждодларимизнинг таълим жараёнидаги нутқий фаолияти, ёшларни нутқий фаолиятга бошқаришда аҳамият бериши лозим бўлган хусусиятлар тўғрисида маълумот берилган.

**Таянч сўзлар:** педагогика, нутқий фаолият, нотиклик, нотиклик санъати, ижод, ижодий фаолият, санъат, поетик санъат, риторика.

Аждодларимиз азалдан ёшлар тарбиясида уларнинг илмли бўлиши, халқ ижтимоий ҳаётида фаол иштирок этишига алоҳида эътибор берганлар. Ёшлар тарбиясида муҳим ўрин тутувчи мазкур тушунча фақатгина илм-фан доираси билан чекланиб қолмайди. Бу тушунча кишининг ёшлигидан улғайиб, маданият ва маърифат, санъат ва ҳарбий соҳаларда, касб-ҳунар эгаллашдаги фаолиятини ҳам бирдай қамраб олади. Шундан ҳам кўриниб турибдики, фаоллик кишининг жамият ҳаётида тутган ўрни, эгаллаб турган ижтимоий нуфузи, жамият моддий ва маънавий соҳаларига таъсири кабиларни ҳам эгаллайди. Айтиш мумкинки, шахснинг ижтимоий фаол эканлиги унинг қобилиятли эканлигидан далолат беради. Шу боис қадимдан аждодларимиз ёшларнинг илм олишларига шароит яратиб бериш баробарида уларнинг илм даргоҳлари, мадрасаларда ўтказиладиган турли илмий баҳс-мунозаралар, беллашувларда ҳам иштирок этишларига замин яратиб берганлар. Маълумки, ўтмишда сўз санъати билан боғлиқ ижодий фаолият кўринишларидан бўлган нотикликнинг дастлабки куртаклари Миср, Ассурия, Вавилон ва Ҳиндистон

мамлакатларида юзага келган эди. Кейинчалик эса ижодий фаолият, санъат, хусусан, ижодкорликни нутқий фаолиятда намоён этиш қадимги Юнонистон ва Римда сиёсий аҳамиятга молик масалага айланди. Қадимги даврда Миср, Вавилон ва Ҳиндистон каби давлатларда сўз воситасида фикр ифодалаш санъат даражасига кўтарилди, педагогик фаолиятда тилнинг энг муҳим ижтимоий функцияларини англаш ва лозим кўрилган ўринларда унга амал қилиш муҳим ҳисобланган. Қадимги Ҳиндистонда кишининг педагогик фаолиятга кириши, ижодий хусусиятларини қамраб олган нутқий фаолияти, сўзлаш маданияти ривожига бевосита “Маҳобҳорат”, “Рамаяна” каби афсонавий достонларда акс этган. Бу достонларда жамиятда бошқаларга ўрнак бўладиган комил инсонга хос бўлган барча хусусиятлар ниҳоятда улуғланган. Қадимги Юнонистонда эса кишининг ижодкорлик фаолияти бевосита нотиклик билимларига боғлиқ бўлиб, ҳукмдорларнинг бундай хусусиятларга эга бўлиши сиёсий аҳамиятга эга бўлган. Бу даврда қулдорлик ҳукм сурган мамлакатда сиёсий нотиклик, суд нотиклиги кабилар ривожланган. Кейинчалик мактов нотиклиги ҳам вужудга келган. Бу ҳақдаги дастлабки маълумотларни биз асосий манба ҳисобланган Ҳомернинг “Иллиада” ва “Одиссия” асарларида учратамиз.

Демосфендан кейинги давр нотиклигида муҳим ўрин тутган Аристотел ўзининг сўз санъатига бағишланган “Риторика” номли асарида бу санъатнинг нозик жиҳатларига доир қимматли маълумотлар қолдирган. Арастунинг «Поетика» («Нафис санъатлар ҳақида») китоби жаҳонда юзага келган энг биринчи адабиёт назариясидир. Бу асар ўз давригача шу соҳада қилинган ишларнинг энг мукаммали ҳисобланади. Арасту барча санъат турларини поэзия деб атаган; поэзиянинг драма, эпос, лирика каби турлари ва уларнинг кўринишларини тушунтирган. Унингча, поэзия асосида ҳаёт туради; шоир бўлиб ўтган, бўлаётган ва бўлиши мумкин бўлган ҳодисаларни акс эттиради. Шоир ҳодисаларнинг ўхшашини ижод этади ёки ҳодисаларни қайтадан гавдалантиради. Арасту поетик санъатнинг ижтимоий-маърифий моҳиятини тўғри англади. У поэзия санъатининг эстетик-эмоционал кучини қадрлади.<sup>1</sup>

Қадимги Римда этишиб чиққан машҳур нотиклардан бири Ситсерондир. Ситсероннинг нотиклик санъати борасидаги фаолиятини ўрганган олимлар Б. Ўринбоев ва А.Солиев унинг қўйидаги хусусиятларига алоҳида эътибор берганлигини таъкидлайдилар:

1. Нотикнинг ўзига ишончи мустаҳкам бўлиши керак. Бунинг учун эса нотик ўз нутқида олға суриладиган фикрга тўла ишонч ҳосил қилиш лозим.
2. Нутқ тўлиқ исботли далилларга эга бўлиши керак.
3. Материални тўплаш нутққа тайёргарликнинг асосидир.
4. Материални тўғри жойлаштириш – экспозитсияга алоҳида эътибор бериш лозим. Жойлаштириш шундай бўлсинки, у материални бутунлай ўзлаштириб олишга энгиллик яратсин. Бунинг учун эса нутқни аниқ қисмларга бўлиш лозим.
5. Ҳар қандай соҳада ҳам нутқнинг муваффақиятини билиш ҳал этади. Агар нотик ўз нутқи қаратилган соҳани яхши билмаса, у қанчалик санъаткор бўлмасин, ўз тингловчисини жалб этолмайди.

Ситсерон мулоқот, яъни педагогик жараёнда нутқнинг тузилишига алоҳида эътибор беради. Унинг фикрича, ҳар бир нутқ талабга жавоб берарли даражада

<sup>1</sup> Арасту. Ахлоқи кабир. Таржимонлар Зоҳир Аълам ва Урфон Отажон. - Тошкент: Янги аср авлоди, 2015, Б 19.

қурилгандагина яхши натижа беради. Ситсерон томонидан ишлаб чиқилган нотиклик нутқи композитсияси қуйидагича бўлган:

1. Кириш.
2. Ишнинг моҳиятини баён қилиш.
3. Планнинг кейинги қисмларини ифодалаш.
4. Далиллар (нутқнинг энг муҳим қисми).
5. Асосий мазмунни таъкидлаш.
6. Хулоса (яқун яшаш).<sup>2</sup>

Марказий Осиё халқлари маданияти тарихида педагогика билан боғлиқ ижодий фикрлар таракқиётида нутқ маданиятининг ўзига хос ўрни бор. Бу юртда ижодий тафаккурнинг ёрқин намунаси бўлган нотиклик санъатининг ривожланиши ва таракқий этишида ўша давр ижодий муҳитида ҳукм сурган маърифий-ирфоний ғоялар муҳим аҳамият касб этади.

Нутқ одобига доир билдирилган фикрларни Кайковуснинг “Қобуснома”, Аҳмад Югнакийнинг “Ҳибатул ҳақойиқ”, Юсуф Хос Ҳожибнинг “Қутадғу билиг” асарларида, шунингдек, Алишер Навоийнинг деярли ҳамма асарларида кўришимиз мумкин. «Қутадғу билиг» достонида инсон фаолияти ҳақида фикр юритилганда, тўрт масала кўтариб чиқилади ва шунга мос равишда тўрт образ воситасида мазкур масалалар моҳияти очиб берилган. Асарда кўтарилган масалалар ва уни акс эттирувчи образларни қуйидагича таснифлаш мумкин:

1. Адолат масаласи подшоҳ Кунтуғди тимсолида,
2. Давлат масаласи вазир Ойтўлди тимсолида,
3. Ақл масаласи вазирнинг ўғли Ўгдилмиш тимсолида,
4. Қаноат масаласи унинг қариндоши Ўзғурмиш тимсолида акс эттирилган. Асарда ўқувчини илм олишга йўналтириш, ижодий фикрлашга ўргатиш кўзда тутилган.

«Қутадғу билиг» қорахонийлар ҳокимиятининг ўзига хос назмий *низомномаси бўлиб, бу рамзий-тимсолий асар юрт эгалари бўлмиш* ҳукмдорлар ва катта-кичик амалдорларга атаб ёзилган ва асарда уларга мамлакатни адолат билан бошқариш, тинчликни сақлаш, раиятга зулм қилмаслик, билъакс, халқнинг оғирини энгил қилиш, турмушини фаровон айлаш, жамиятнинг маънавий-ахлоқий негизларини мустаҳкамлаш, илм-маърифатга кенг эътибор бериш, истеъдод соҳибларини қўллаб-қувватлаш, ҳуқуқ, бурч, адолат бўйича маслаҳат ва тавсиялар берилган. Ҳукмдорлар адабномаси — «Қутадғу билиг» қорахонийлар сулоласи мисолида туркий давлатчилик асослари янги босқичга кўтарилган даврда замон кун тартибига қўйган сиёсий-ижтимоий масалаларни ҳал қилишда асосий дастур бўлган.<sup>3</sup>

Юртимизда этишиб чиққан Абу Райҳон Беруний, Абу Наср Фаробий, Ибн Сино, Абдуллоҳ ал Хоразмий, Маҳмуд Қошғарий, Юсуф Хос Ҳожиб, Замахшарий, Аҳмад Югнакий, Саккокий, Алишер Навоий, Заҳириддин Муҳаммад Бобур каби алломалар ижодида ҳам бадиий ижод, нутқий фаолиятнинг нозик нуқталарига оид қимматли фикрлар мавжуд.

<sup>2</sup> Ўринбоев Б., Солиев А.. Нотиклик маҳорати. Тошкент: Ўқитувчи, 1984. Б.15.

<sup>3</sup> <https://qomus.info/encyclopedia/cat-q/qutadgu-bilig-uz/>

Ижодий фаолиятга катта ҳисса қўшган олимлардан бири Абу Наср Фаробийдир. У инсон ижодий маҳоратини ўзида акс эттирадиган нутқнинг қай даражада мукаммал бўлишини ақл билан боғлайди. У инсоннинг ижодий фаолиятига алоҳида эътибор қаратиб, сўзловчининг коммуникатсия жараёнида эътибор бериши лозим бўлган жиҳатлар ҳақида фикр юритар экан, асосан, тил ҳақидаги илмлар, грамматик ва мантик фанларининг ўзаро кучли боғлиқликда эканлигига тўхталади. Яна бир буюк аллома Абу Али ибн Сино (980-1037) эса нотик қуйидагиларга амал қилиши лозим, деб ҳисоблайди.

1. Насиҳат кўпол оҳангда берилиши керак эмас.
2. Сухбатдошнинг илм даражасини ҳисобга олиш зарур.
3. Насиҳатга (ваъзхонликка) кўп берилмаслик керак, уни ўртоқлик суҳбати тарзида олиб бориш керак.
4. Насиҳатни мулойим оҳангда, ёлғиз олиб бориш керак.
5. Агар таъна қилмоқчи бўлсанг, бошқалар камчилиги билан қиёслаб таъна қил.
6. Агар ўз эътиқодинини айтмоқчи бўлсанг, фақат бир фактга таянма, балки кўп масалалар билан исботла, суҳбатдошнинг буни юрагига яқин олишга, шу нарса ҳақида ўйлашга ва ҳақиқатни излашга ишонтир.
7. Агар суҳбатдошнинг сенинг гапларингга эътибор билан қулоқ солаётган бўлса, суҳбатни охиригача давом эттир ва ҳеч нимани сир сақлама, лекин унинг эътиборсизлигини сезсанг, гапни бошқа мавзуга бур”<sup>4</sup>.

Нотиклик санъати тарихида буюк аллома Кайковуснинг “Қобуснома” асари ҳам муҳим ўрин тутди. У бу асарида нотикка насихат тарзида бир қатор фикрларни баён қилади:

*Киши сухандон, сухангўй (нотик) бўлиши керак, аммо эй фарзанд, сен сухангўй бўлгил ва лекин дурўггўй (ёлгончи) бўлмагил. Ростгўйликда ўзинг шуҳрат қозонгил, ҳоким бирор вақт зарурат юзидан ёлгон сўз десанг, қабул қилгайлар. Ҳар сўз десанг ҳам, рост дегил ва лекин ёлгонга ўхшаган ростни демагилким, ростга ўхшаган дурўг дурўгга ўхшаган ростдил яхшидир, недингим ул дурўг маъқул бўлар, аммо ул рост бўлмас... Сухангўй шу киши бўлгайки, у ҳар сўзини деса, ҳалққа маъқул бўлгай... Билмагон илмдин дам урмагил ва ундин нон талаб қилмагил... Гар сўз демоқчи бўлсанг, шундай сўз дегилки, сўзининг ростлигига гувоҳлик берсинлар... Ҳар сўзни андиша билан боғламагил, токи айтгон сўзингдин пушаймон бўлмагайсан... Совуқ сўзлик бўлагил. Совуқ сўз бир тухумдир, ундин душмандлик ҳосил бўлур... Кўп билиб, оз сўзлагил ва кам билиб кўп сўз демагил. Нима учунки ақлсиз шундог киши бўладур – у кўп сўзлар.*<sup>5</sup>

Худди шундай фикрларни Абул Қосим Маҳмуд аз Замахшарийнинг асарларида ҳам учратамиз. Унинг машҳур асарларидан бири - “Нозик иборалар” да сўз санъати, фикрларни чиройли тарзда ифодалашга оид қуйидаги фикрлар учрайди:

*Ўз биродарингни янчилган мушкдан кўра ҳам хушбўй сўзлар билан мақтаб ёд эт, гарчанд у сендан узоқ шаҳарда бўлса ҳам.*

<sup>4</sup> Бу ҳақда қаранг: Ўринбоев Б., Солиев А. Нотиклик маҳорати. Тошкент: Ўқитувчи, 1984.

<sup>5</sup> Кайковус. Қобуснома. Тошкент: Истиқлол, 1994. Б.35-40.

*Ўз биродаринг сўзини сукут сақлаб тинглаб, унинг ҳурматини ўрнига қўй, гарчи уни эшитишга рағбатинг ва майлинг йўқ бўлса ҳам.*

*Агар тилингни ортиқча сўзлашига эга бўла олмасанг, унда тизгининг жиловини шайтонга топширган бўласан.*

*Ақлли, гофил кишининг (сукут сақлаб) жим туриши ҳолати жоҳил, паришон кишининг узридан афзалдир.*

*Тилингдан чиққан садақа (яъни панду насиҳатнинг ва мавъизаю ҳасананг) баъзан қўлингдан (мол-дунёнгдан) чиққан садақангдан кўра ҳайрлироқдир.*

*Кўпинча тил билан этказилган жароҳат тиз билан этказилган жароҳатдан оғирроқдир.*

*Ўзи сазовор бўлмаган ҳамда саною мақтовларни талаб қилиши уятсиз, телба одамларнинг одатларидандир.*

*Сени касоду инқирозга учрашдан огоҳ қилувчи кишига лутф билан муомалада бўл, қўрқма, зарари йўқ, зиёни йўқ, деб юпатувчилардан узоқроқда бўл.*

*Агар бировни айблаб хитоб қилмоқчи бўлсанг, зинҳор ёзма тариқада (қоғоз, хат билан) қил, чунки биров-бировага қариши бўлиб, айблаш кам ақллилар ва телбалар ишидир, шунингдек, бу ҳолда кўнгилни сиёҳ қилишига сабаб бўлгувчи сўзлар ҳисобсиз айтилиши муқаррар, аммо хат ёзилганда эса, эмин-еркин ўйлаб, фикр-мулоҳаза билан ёзилади.*

*Кўп ортиқча сўзлашув эшитувчини ранжитар.*

*Тилию дили тўғри ва ҳаққўй бўлган одамнинг хатою нуқсонни кам бўлур.*

*Ей бўтам, тилагим ёмон сўзлардан сақлан.*

Инсонни маънавий жиҳатдан камол топтириш, уни эътикод нуқтаи назаридан фаолиятга ундаш – комил инсон қилиб тарбиялаш аждодларимиз томонидан яратилган маърифий-ирфоний асарлар мундарижасининг асосини ташкил қилади. Комил инсон тарбияси, ёшларни меҳнатсевар, билимдон, эътиқодли, ижодкорлик каби сифатларни эгаллашларида бу китоблар муҳим аҳамият касб этади. Бу ҳолатни Марказий Осиё халқлари адабиётида, ижтимоий тафаккурлари тараққиётида муҳим ўрин тутган Аҳмад Яссавий, Сулаймон Боқирғоний, Машраб сингари шоирлар ижодида ҳам кузатишимиз мумкин. Умуман олганда аждодларимиз томонидан яратилган асарларда кишининг фаолияти, у жамият ҳаётининг қайси соҳаси билан алоқадор бўлмасин, ёшлар тарбиясида уларнинг фаннинг маълум соҳаларига бўлган қизиқишларини эътиборга олганлар, ижодий қобилиятларини ривожлантиришга йўналтирганлар. Аждодларимиз қадимдан фарзанд тарбиясида уларни ёшлигиданок фаолиятга киришида илм олишнинг муҳим рол ўйнашини, меҳнатнинг бирор тури билан шуғулланиш эса ҳаётининг тажрибаларини мустаҳкамлашини эътиборга олганлар. Зеро, инсоннинг жамият ҳаётида фаол иштирок этиши, ҳам жисмонан ҳам руҳан соғлом бўлиши, билимларни эгаллаган, ақлли бўлишини комилликка эришишнинг бирдан бир йўли деб билганлар.

**АДАБИЁТЛАР:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2020 йил 29 декабрдаги Олий Мажлисга ва Ўзбекистон халқига мурожаатномаси. Тошкент. 2020 йил 29 декабр
2. Оммавий ахборот воситаларининг ёшларни маънавий-ахлоқий тарбиялашга таъсири: муаммолар ва ечимлар. Илмий-амалий конференция материаллари. - Т.: «Рисо э3 200 э», 2013.
3. Ўринбоев Б., Солиев А.. Нотиқлик маҳорати. Тошкент: Ўқитувчи, 1984. Б.15.
4. Ўринбоев Б., Солиев А. Нотиқлик маҳорати. Тошкент: Ўқитувчи, 1984.
5. Sharipboyevna, G. F., & Mamadiyarovich, V. T. (2021). PEDAGOG-XODIMLARNING UZLUKSIZ O 'QISHINI TASHKIL QILISH VA UNING MUHIM JIHATLARI. INTEGRATION OF SCIENCE, EDUCATION AND PRACTICE. SCIENTIFIC-METHODICAL JOURNAL, 37-41.
6. Кайковус. Қобуснома. Тошкент: Истиқлол, 1994. Б.35-40.
7. Вахрановна, M. R. (2022). International System Assessment of Reading Literacy of Primary School Pupils Pirls. International Journal of Culture and Modernity, 14, 35-38.
8. Холиқулов э. «Ўзбекистон ёшлари сиёсий билимини шакллантиришда ОАВнинг ўрни» битирув малакавий иши. – Т.: ЎЗМУ, 2013.
9. Jamilovna, N. D. (2021). SINF RAHBARINING KOMPETENTLIGINI OSHIRISH YO 'LLARI. INTEGRATION OF SCIENCE, EDUCATION AND PRACTICE. SCIENTIFIC-METHODICAL JOURNAL, 2(4), 118-125.
10. Fayzullayeva, G., & Shukurova, N. (2021). O 'QITUVCHI–O 'QUVCHI MUNOSABATLARIDA O 'QITUVCHINING KOMMUNIKATIV KO 'NIKALARINI RIVOJLANTIRISH. INTEGRATION OF SCIENCE, EDUCATION AND PRACTICE. SCIENTIFIC-METHODICAL JOURNAL, 215-217.
11. Bakhronovna, R. M. (2020). THE IMPORTANCE OF INTERACTIVE METHODS IN SHAPING STUDENTS' THINKING SKILLS. INTERNATIONAL JOURNAL OF DISCOURSE ON INNOVATION, INTEGRATION AND EDUCATION, 1, 37-40.